

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТЕРМИЗ ТУМАН КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ КУН ТАРТИБИГА КИРИТИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР МУҲОКАМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ



Бугун Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси, Ижтиомий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси, Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси, Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси, Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиладиган масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишда комиссия раҳбарларининг ҳисботлари эшитилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Термиз туман ҳокимлиги Ахборот хизмати